

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **527** Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига мувофиқ ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа нодавлат ношаро ташкилотлари, кўп сонли маҳалла фаолларининг Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларининг амалга оширилишига кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан аниқ асосланган таклифлар ҳамда таъсирчан механизмлар ишлаб чиқиш, фуқаролар йиғинларининг илғор тажрибаларини оммалаштириш, улар томонидан ишлаб чиқилган истиқболли ғоялар ва лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш;

фуқаролар ижтимоий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг аҳамияти ва ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиш.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқ-

лаштириш бўйича республика кенгаши тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлари тўғрисидаги намунавий низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазир**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 30 сентябрь,  
267-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 30 сентябрдаги 267-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари  
фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши  
ТАРКИБИ**

Икромов Адхам Илхамович	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, <b>Кенгаш раиси</b>
Аҳмедов Анвар Акмалович	— Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси, <b>Кенгаш раиси ўринбосари</b>
Аллаев Долли Хакимович	— Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, <b>Кенгаш масъул котиби</b>
Саидов Акмал Холматович	— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташки- лотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси (келишув асосида)
Ортиқова Светлана Боймирзаевна	— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси (келишув асосида)
Солиев Олим Адилевич	— Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ишлаш шўъбаси мудир (келишув асосида)
Абдувохитов Абдужаббор Абдусатторович	— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси ректори (келишув асосида)

Қучқоров Жамшид Анварович	— Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари
Турдиев Дилмурод Рахматжонович	— Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири ўринбосари
Маматов Рахмат Тошназарович	— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўрин- босари
Мулабаев Нурмухаммад Хикматович	— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ўринбосари
Халилов Фурқат Камолович	— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари
Салимов Умид Закиржанович	— Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб- хунар таълими маркази директори
Холбеков Абдуғани Жуманазарович (лавозимига кўра)	— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўрин- босари — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўрин- босари
Джалалов Фотих Хамитович	— Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари
Хидиров Яшин Соҳибович (лавозимига кўра)	— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари
Юсупов Ортиқбек Адилович	— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузури- даги Дин ишлари бўйича қўмита раиси
Турдиев Умар Тилавович	— Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, моно- полиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
Содиқов Камолиддин Фахриддинович	— Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
Ахмедов Олимжон Юсупович	— «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорининг ўринбосари
Шерматов Шерзод Хотамович	— Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация техноло- гиялари Давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
Ходжаев Алишер Джурақулович	— Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси
Ҳазратқулов Маматқул	— Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори
Назаров Нодир Қаххарович	— Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви раиси
Хамдамов Адхам Қосимович	— Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори ўринбосари
Парпибоева Озода Абдуқодировна	— Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари
Нарбаева Танзила Камаловна	— Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Марказий кенгаши раиси

Турдиев Содиқжон	— Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси
Ганиев Боходир Мухторович	— «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси
Бокибоев Эркин Жураевич	— Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси
Шайхов Алишер Эркинович	— Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси
Ниязов Рустам Сайназарович	— Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раиси
Қуронбоев Қахрамон Қўчқорович	— Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари
Ахмедов Турсун Мухитович	— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти директори
Убайдуллаева Раъно Ахатовна	— «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази директори
Мухаммадиев Насриддин Мисриддинович	— Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданий Маркази директори
Қуронов Мухаммаджон	— Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий Маркази раҳбари
Мамадалиева Ҳафиза Холдаровна	— «Оила» илмий-амалий маркази директори

Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ана шу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли мажбуриятларни бажариш зиммасига юкланган шахслар Кенгаш таркибига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Худудий кенгашларининг раислари бир вақтнинг ўзида Кенгаш аъзоси ҳам ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 30 сентябрдаги 267-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига мувофиқ, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

Кенгаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларининг амалга оширилишига кўмаклашиш, улар фаолиятидаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва тизимли ҳал қилиш юзасидан аниқ асосланган таклифлар ҳамда таъсирчан механизмлар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган коллегиял орган ҳисобланади.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Кенгаш ўз фаолиятида қонунийлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлилиқ ва коллегияллик тамойилларига амал қилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар (кейинги ўринларда Ҳудудий кенгашлар деб аталади) фаолият кўрсатади.

Ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда ҳудудий кенгашларнинг ўзаро ҳамкорлиги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳарлар кенгашлари тўғрисидаги намунавий низомларда белгиланади.

## II. Кенгашнинг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари

5. Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан аниқ асосланган таклифлар ҳамда таъсирчан механизмлар ишлаб чиқиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илғор тажрибаларини оммалаштириш, улар томонидан ишлаб чиқилган истиқболли ғоялар ва лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш;

фуқаролар ижтимоий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг аҳамияти ва ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиш.

6. Кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро этилиши мониторингини олиб боради ва уларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлайди;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар орасидан сайланишини таъминлаш чора-тадбирларининг амалга оширилишига кўмаклашади, услубий тавсиялар ишлаб чиқади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатларини ривожлантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқади;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), масъул котиби, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари фаолиятини рағбатлантиришга доир таклифлар тайёрлайди ва уларнинг ишларини мувофиқлаштиради;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти учун зарур бўлган ўқув-услубий адабиётлар, қўлланмаларнинг мазмун-моҳияти, уларни нашр этиш ҳамда тиражларини белгилаш бўйича тавсиялар тайёрлайди;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, уларнинг вазифалари кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширилишига кўмаклашади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар тайёрлайди ва бу борада аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга кўмаклашади;

«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини жойларда изчиллик билан татбиқ этиш, фуқароларнинг фаоллигини, жамиятда амалга ошириладиган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифалар кўламини янада кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

маҳаллаларда тарихан таркиб топган миллий ва маънавий кадриятларни эъозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини асраш ва оммалаштириш чора-тадбирларини амалга оширади;

оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, маҳалла институтининг фаолиятини ёритишга доир тадбирларнинг амалга оширилишига кўмаклашади;

фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг роли ва таъсирини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этади, шунингдек уларнинг билим ва малакасини ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш, замонавий бошқарув кўникмаларини шакллантиришга оид чора-тадбирларга кўмаклашади;

баркамол авлодни тарбиялашда «Оила — маҳалла — таълим муассаса-си» ҳамкорлик механизмини кучайтиришга доир таклифлар тайёрлайди;

маҳалла институтининг долзарб масалалари бўйича халқаро ва республика конференциялари ҳамда семинарларини ташкил этишда ва ўтказишда мувофиқлаштиришни амалга оширади.

7. Кенгаш ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

фуқаролар йиғинларининг раислари, масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, «Маҳалла посбони» жамоатчилиқ тузилмаларининг раҳбарлари малакасини ошириш юзасидан таклифлар киритиш;

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлардан ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан кенгаш ваколатига тааллуқли зарур маълумот ва материалларни сўраш ва олиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборотларини эшитиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни тайёрлаш учун ишчи комиссиялар ва эксперт гуруҳлар ташкил этиш, шунингдек олимлар ва амалиётчи-мутахассисларни ушбу комиссиялар ва гуруҳлар ишига жалб этиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича Худудий кенгашларнинг таклиф ва тавсияларини Кенгаш мажлисларида муҳокама қилиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир услубий қўлланмаларни тасдиқлаш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва фаоллари учун ўқув семинарлари ва давра суҳбатлари ташкил этиш.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### III. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

8. Кенгаш унинг раиси, раис ўринбосари, масъул котиби ва аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Кенгашнинг ишчи органи (кейинги ўринларда Ишчи орган деб аталади) ҳисобланади.

9. Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари раислик қилади ва у Кенгашга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун масъулдир.

Кенгаш раисининг ваколатига қўйидагилар киради:

Кенгаш мажлислари кун тартибини белгилаш ва мажлисларни чақириш;

Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назорат ташкил этиш;

Кенгаш аъзоларининг Кенгашга юкланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

Кенгаш ишчи органи фаолиятини назорат қилиш;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлашга доир бошқа ишларни бажариш.

10. Кенгаш аъзолари:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолияти самарали йўлга қўйилишига қўмаклашадилар;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан Кенгашга таклифлар киритадилар;

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда қатнашадилар;

Кенгаш муҳокамасига киритилган масалалар бўйича ёзма хулосалар ва овозаки тушунтиришлар берадилар;

Кенгаш мажлисларида қабул қилинган қарорлар ижросини ўз ваколатлари доирасида таъминлайдилар.

11. Ушбу Низомда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Кенгаш ҳар йили ўз иш режасини тасдиқлайди, шунингдек раис ўринбосари, масъул котиб ва Кенгашнинг бошқа аъзолари вазифаларини белгилайди.

12. Кенгаш фаолияти билан боғлиқ ёзишмаларни юритишда хатлар Кенгаш раиси ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Кенгаш ўз бланкасига эга бўлади.

13. Кенгаш ўз фаолиятини доимий асосда, ўз иш режасига мувофиқ амалга оширади ва мажлисларини заруриятга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Кенгаш раиси қарори билан, Кенгаш раисининг ўринбосари ёки Кенгаш аъзолари ярмидан кўпининг ташаббусига кўра навбатдан ташқари мажлис ўтказилиши мумкин. Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш тўғрисидаги таклиф зарур ҳужжатлар билан биргаликда ишчи органга юборилади.



14. Кенгаш мажлисини унинг раиси бошқаради. Кенгаш раиси бўлмаган тақдирда мажлисни унинг ўринбосари бошқаради.

Кенгаш мажлиси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади.

Кенгаш қарорлари мажлисда қатнашганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Кенгашнинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўз фикр-мулоҳазасини ёзма равишда баён қилиш ҳуқуқига эга.

Мажлисни ўтказиш учун кворум бўлмаганда, Кенгашнинг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади. Янги мажлисни ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

15. Кенгаш раисининг руҳсати билан мажлисда унинг узрли сабабларга кўра қатнашмаётган аъзолари ўрнига уларнинг вакиллари овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашиши мумкин.

16. Кенгаш мажлисига унда кўриб чиқиладиган масалаларнинг моҳиятига кўра давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман ва шаҳарлар кенгашлари ҳамда фуқаролар йиғинлари вакиллари таклиф этилиши мумкин.

17. Кенгаш қарорлари баённома билан расмийлаштирилади, уни раис ёки унинг ўринбосари, шунингдек масъул котиб имзолайди.

18. Кенгаш қарорлари Кенгашнинг барча аъзоларига ва манфаатдор шахсларга етказилади.

Кенгашнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли давлат органлари ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

19. Ишчи орган:

Кенгаш мажлисларига тайёргарликни ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш ишларини амалга оширади;

Кенгаш фаолияти учун зарур барча ҳужжатларни (таҳлилий маълумотлар, жадваллар ва ҳ. к.) шакллантиради ва қарорлар лойиҳалари бўйича келишувни амалга оширади;

фаолият йўналишларига тааллуқли материалларни тўплайди, таҳлил қилади, қарорлар ва чора-тадбирлар режалари лойиҳаларини тайёрлайди;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини таҳлил қилади ва умумлаштиради, мувофиқлаштириш натижалари бўйича ҳисобот ва ахборот материалларини тайёрлайди;

Худудий кенгашлар ишчи органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ишчи орган Кенгаш қарорига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

20. Кенгаш қарорларининг бажарилиши натижалари ҳақида Ишчи орган ҳар чоракда Кенгашга тегишли зарур материалларни илова қилган ҳолда таҳлилий маълумотларни тақдим этади.

21. Ишчи орган раҳбари тайёрланган материаллар ва мажлис кун тар-

тиби бўйича Кенгаш раисига ахборот беради, раис томонидан маъқулланган тақдирда, кенгаш мажлиси бўлиб ўтадиган кун ва вақтни, шунингдек таклиф этиладиган шахсларни белгилайди.

22. Кенгаш масъул котиби Кенгаш мажлиси материалларини баён лойиҳаси билан биргаликда мажлисни ўтказиш санасидан камида беш кун олдин Кенгашнинг ҳар бир аъзосига, зарур ҳолларда мажлисга таклиф этилган бошқа шахсларга тақдим этилишини таъминлайди.

Мажлис кун тартиби ўзгарган тақдирда, Кенгаш масъул котиби Кенгашнинг ҳар бир аъзосини ҳамда мажлисга таклиф этилган шахсларни мажлис бошланишидан олдин уч кундан кечикмай бундай ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилади.

23. Ишчи орган Кенгаш ишига тайёргарлик кўриш мақсадида унинг ваколатлари доирасида зарур материалларни давлат органлари ва ташкилотлардан сўраш ҳамда олиш ҳуқуқига эга.

24. Кенгаш Худудий кенгашлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади ҳамда Худудий кенгашлар фаолиятига ташкилий ҳамда услубий жиҳатдан раҳбарликни амалга оширади.

Худудий кенгашлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш, Худудий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва уни мониторинг қилиш Кенгаш томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Худудий кенгашлари йилнинг ҳар чорагида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида Кенгашга ҳисобот берадилар.

25. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Худудий кенгашларининг таркиби ҳамда уларнинг низомлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича худудий кенгашлари тўғрисидаги намунавий низомлар асосида Кенгаш томонидан тасдиқланади.

#### IV. Яқунловчи қоида

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.